

Қадимги дунё тарихида Шарк билан Ғарбни бир-бирлари билан боғлаб турган қарван йўллари (улар тарихда “Ложувар йўл”, “Шох йўли”, “Буюк ипак йўли”, “Нефрит йўли” ва бошқалар) мамлакатлар иқтисодий ҳаётида катта ўрин тутган. Ана шу йўлларнинг муайян қисмини назорат қилиш (чунки ундан катта даромат келарди) ва назорат ҳудудларини кенгайтириш мақсадида турли бахоналар ва сабаблар қидирилиб, асосий мақсад йўлида мамлакатлар аро урушлар бўлиб турган. Ана шундай жангу-жадаллардан бири милоддан аввалги VI-IV асрларда қадимги форслар билан юнонлар ўртасида олиб борилган урушлар эди. Қадимги дунёнинг бу икки буюқ империялари (Ахамонийлар ва Юнонистон) ўртасида бошланган урушларда Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳам қатнашганлар. Шу муносабат билан юнон муаррихлари Ўрта Осиё халқлари ҳақида тарих учун қимматли маълумотлар қолдирганлар. Айниқса, қадимги Юнонистоннинг юқсак илмий ва маданият марказларидан бўлган Кичик Осиё шаҳарлари, улардан чиққан олиму-фузалолар: тарихчилар, географлар ва тарих билан қизиққан турли соҳа йилномачилари Эрон ва Туронзаминнинг қадимги халқлари ҳақида кўп қизиқарли маълумотлар берадилар. Манбаалардан маълум бўлишича қадимги юнонлар тарихи Иониянинг Милет шаҳрида шаклланиб, тарих сўзи иония тилида “тадқикот”, “изланиш” маъносини беради. Милет тарих мактабининг милоддан аввалги VI асрда ўтган вакиллари билан бири Гекатей бўлиб, у ўзининг “Ер қуррасининг тасвири” асарини Осиёга бағишланган қисмида хорасмийлар ҳақида биринчи бор маълумотлар берган. Шунингдек, Гекатей маълумотларига асосланиб, хорасмийлар ва уларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиб борган авлодлари ҳақидаги илк хабарларни Кичик Осиёлик “Тарихнинг отаси” (Цицерон баҳоси) деб аталган Геродот асари “Тарих”да ўқиймиз [1]. Бу ҳақда Афинея, Степан ва бошқалар ҳам ёзишган. Масалан, Афинея ёзади: “Милетлик Гекатей Осиёни тасвирлаб шундай дейди: “... парфларнинг шарқида текисликлар ва тоғларни ишғол қилган хорасмийлар яшайди. У тоғларда ёввойи дарахтлар, тол, юлғун, тиканлик қинара ўсади”. Степан эса “Хорасмия: парфларнинг шарқидаги шаҳар. Гекатей Осиёни тасвирлаб, шундай дейди: “Уларнинг шаҳри Хорасмия”

[2]

Геродот (милоддан аввалги 484-425 йиллар оралигида яшаган) Кичик Осиё шаҳарлари, Вавилон, Финикия, Кипр ороли, Македония, Марказий Греция (Афина), Қора денгиз соҳиллари, Эгей денгизи ороллари, умуман қадимги дунё мамлакатлари ва шаҳарларининг кўпчилигида бўлган. У ўзининг 10 йиллик саёхати давомида

(мил.авв.455-445) Ливия, Миср, Оссурия, Бобил, Эқбатанда бўлиб, тўплаган барча материаллари асосида 9 жилдли “Тарих” асарини ёзган. Геродотнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақидаги маълумотлари “Тарих” асарининг I, III, VII, IX жилдларида ўз аксини топган. У ўзининг “Тарих” асарида бутун эътиборини Афинага қаратган, кўп воқеа ва фактлар Афина сиёсати нуктаи назаридан ёритилган. Асарда Европа ва Осиё, Юнонистон ва Эрон ўртасидаги урушлар воқеаси ёритилган. Асарда тарихий воқеа ва ҳикоялар кетма-кет, афсона, миф, нақл, ривоят, эртак, масал ва уларнинг асосий мазмуни орасига киритилган кистирма ҳикоялар тарзида берилди

[3]

(Ксеркс ва унинг укаси Масист, Томирис ва Кирнинг ҳалокати ҳақидаги ҳикоя ва бошқалар).

Геродотнинг “Тарих” асарида бизни қизиқтирган масала сак (скиф), массагет, хорасмий ва Хоразм, исседон ва дай, фарф ва маргуш, сугд ва парикан каби Ўрта Осиёда қадимда яшаган ўтрок ва кўчманчи халқлар ҳақидаги маълумотлардир. У Кирнинг массагетлар устига юриши ва ҳалокати сабабларини ёритади [4]. Скиф халқлари ҳақидаги маълумотлар “Тарих” китобининг 4-жилдида берилди. У Шарк халқларини менсимай, “варвар” деб қарамайдди. Унинг учун Шарк инсоният маданияти, донишмандликнинг ўчоги

[5]

, унинг фикрича геометрия, офтоб соати, қонуният, қуроллар, ёзув маданияти қабилар Шарқдан келган

[6]

Ўрта Осиё халқлари Юнон-Эрон урушларининг иштирокчиси сифатида юнон муаллифларини қизиқтирди ва асарларида улар ҳақида қимматли маълумотлар берадилар. Масалан, Геродот “Тарих” китобида Бактрия, Бактра ва бохтарийлар ҳақида 13 марта, сугдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган [7]. Геродотнинг қадимги Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, ахамоний ҳарбий кўшинлари сафида аждодларимиз жангчиларининг фаол иштироки, уларнинг ярок-аслохалари, йўлбошчилари, жангларда уларнинг кўрсатган жасоратлари, аждодларимизнинг ахамонийлар асоратига тушиб катта хирож тўлашлари, Акес (Хилменд) дарёси сувларидан фойдаланиш масаласида тугилган мажоралар ва бошқалар ҳақида боради. Геродот ҳеч қачон Ўрта Осиё вилоятлари ва шаҳарларида бўлмаган. Шунинг учун унинг Ўрта Осиёни тарихий географияси ҳақидаги маълумотлари илмий изланишларни талаб қилади. Масалан, Геродот массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: “Улар шарқда, қуёш чикиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашганлар. Аракс дарёси Матиена тоғларидан бошлаб оқади”. Тадқиқотлардан маълумки, Аракс-бу

Амударё. Матиёна тоглари – Помир ёки Хиндикуш тоғларидир. Чунки, Геродотнинг ёзишича, Матиёна тоғларида Хинд дарёси бошланади.

Геродот “Тарих” асарининг III – китобида (117- боб) Акес суви мажорасида Скилак ва Гекатейдан олган маълумотларига асосланиб куйидагиларни хабар қилади: “Осиёда ҳар тарафидан тоғ билан қуршалган бир водий бор, тоғда бешта дара бор. Бир вақтлар бу ерлар хорасмийларга қараган ва хорасмий гиркан, парфян, саранг ва фаманейларга чегарадош бўлган. Ана шу водий атрофидаги тоғлардан Акес деб аталувчи катта дарё оқиб тушган. Шу дарё беш ирмоққа бўлиниб, юқоридаги халқлар ерларини сугорган... Аммо форсларга қарам бўлгандан кейин бу халқлар мана қандай аҳволга тушдилар. Шох тоғ дараларини беркиттириб, тўгон дарвозалар қурдиради. Водийда суний кўл ҳосил бўлади. Илгари шу сувлардан фойдаланиб келган қабилалар энди бу имкониятлардан маҳрум бўлиб, даҳшатли ҳолатга тушадилар. Кишда, албатта, бошқа жойлардагидек, илоҳиёт уларга ҳам намгарчилик юбаради, ёзда эса улар экадиган тарик ва кунжут доим сувсиз қолади. Мутлақо сувсиз қолганда улар хотин-бола чақалари билан Парсуага борадилар, шох саройи қаршисига туриб олиб баланд овозлар билан ачинарли ҳолда фарёд қиладилар. Улардаги сув танқислигини кўрган шох арзғўйлар томонидаги тўгон дарвозаларини очишни буюради. Ерлар сугорилгач, яна тўгонни беркитишни буюради, энди бошқа сувга ташна қабилалар ерларига сув очадилар. Бирок, мен билдимки, тўгон дарвозасини очиш учун шох катта пул (боғлардан ташқари) олар экан.

(порахўрликка ишора) Ишлар ана шундай [\[8\]](#) » Геродот асарида келтирилган бу эпизоддан Ахамонийлар ҳукмронлиги остида аждодларимиз, айниқса, оддий меҳнатқаш жамоалар аҳоли қанчалик оғир бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Геродот келтирган мана шу эпизоддан келиб чиқиб, Тарн, Альхайм, Хеннинг, Пьянков, Гофуров ва бошқалар хоразмликлар дастлаб Марв-Хирот атрофида яшаганлар, кейинчалик Ахамонийлар сиқуви натижасида ҳозирги жойларига кўчиб келган бўлсалар керак, деб фикрни юритганлар. Тадқиқотчилар, айниқса В.А.Лившиц қадимги Хоразм тили Авесто тилига яқин, деган хулосага келади. Шу фикрдаги олимлар (В.В.Струве, И.М.Дьяконов, В.Г.Луконин, М.Мэри Бойс, С.П.Толстов, М.Исхаков ва бошқалар) Авестонинг энг кўхна қисмлари, яъни “Гота” гимнлари Хоразмда яратилган, дейдилар. Эҳтимол, Гота гимнлари Хороевада (Хорасмияда) яратилиб, хорасмийлар уни ўзлари билан (милоддан аввалги VI асрнинг охири чорагида) Амударё куйи хавзаларига олиб келган, дейиш тўғрироқдир. Бу вариантда ҳам Авестонинг “Готалари” хоразмликлар жамоасида яратилганлигини тасдиқлайди.

Геродот Бактрияни кўп тилга олади. Кир II нинг ҳарбий юришларига “Бобил, Бактрия

халки, саклар ва мисрликлар тўсик бўлиб турганлар” деб ёзади Геродот [9]. Геродот маълумотларида берилган “Бактрия халки” тушунчаси маълум бир этник бирликни англатади. Халк маъносини берувчи “этнос” сўзи Геродот “Тарих”ида кўп учрайди.

Геродотнинг ёзишича, Доро I Ахамонийлар давлатини 20 та сатрапликларга бўлиб бошқарган. Шундан 3 таси Ўрта Осиё худудлари билан боғлиқ жойлардир. Масалан, “Тарих” китобида куйидагиларни ўқиймиз: Бактрияликлардан эгларгача бўлган халклар 300 талант (бир талант 33,655 кг кумушга тенг- А.А.) солиқ тўлаганлар. Бу – ўн иккинчи ўлка”

[10]

“Саклар ва каспийлар 250 талант тўлаганлар. Бу ўн бешинчи ўлка. Парфянлар, хорасмийлар, сугдлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу ўн олтинчи ўлка”

[11]

. Геродот аждодларимизнинг этник таркиби, уларни кийим-боши, харбий куруллари хақида ҳам маълумотлар беради, яъни

“Бактрияликларнинг бошларига кийган калпоқлари мидияликларникига жуда ўхшаган, улар тростникдан ясалган ўк ва калта найзалар билан курулланганлар. Саклар (скиф кабиласи) узун чўккили калпоқлар кийган. Улар кенг шарвар кийганлар, сак камони ва ханжарлари билан курулланганлар. Булардан ташқари уларда яна сагарислар, яъни икки тигли жангавор ойболталар бўлган. Ушбу кабила (айнан скиф кабиласи) амиргия саклари деб номланган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атайдилар. Бактрияликлар ва сакларнинг сардори Гистасп – Доро ва Кирнинг кизи Атоссанинг ўғли бўлган

[12]

”. “Парфянлар, хорасмийлар, сугдлар, гандарийлар ва дадиклар бактрияликларнинг курулларига ўхшаган яроғ-аслохалар билан харбий юришга кирганлар. Уларнинг йўлбошчилари: парфян ва хорасмийларда Фарнакнинг ўғли Артабаз; сугдларники-Артей ўғли Азан бўлган

[13]

”. “Бактрия чавондозларининг куруллари пиёда аскарлар курулларига ўхшаган, худди каспийларникини ўзи эди.... Каспийлар ва париканийлар ҳам худди пиёда аскарлардек курулланган эдилар. Араблар ҳам худди пиёда аскарлардек курулланган эдилар, аммо уларнинг барчаси туяларда шундай тез чопар эдиларки, улар тез юришда сипохийлардан қолишмас эдилар”

[14]

Геродот Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари хақидаги хикояларини айнан массагетлардаш бошлайди: “Бу халқларни ўзига тобе қилгандан сўнг, - дейди Геродот- Кир массагетларни истило қилиш мақсадини ўз олдига қўйган. Бу массагетлар, айтишларича, жасур ва беҳисоб кабиладир. Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида исседонларга рўпара бўлиб жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф кабиласи, деб

хисоблайдилар.”

[15] “Баъзиларнинг айтишига кўра, Аракс Истрадан катта; бошқалар эса, аксинча, бу дарёни кичик деб хисоблайдилар. Аракс дарёсида ороллар кўп...Бу оролларда яшовчи одамлар ёзда мевали дарахт хосилини йигиб, кишга куритадилар....Массагетлар гулхан атрофига йигилишиб, пишган меваларни оловга отадилар. Улардан чиккан хиддан, эллинлар вино ичиб маст бўлганларидек, кайф киладилар. Оловга канча кўп мева ташланса, ундан чиқадиган хид кўпайиб, бадмаст бўладилар. Сўнг ўринларидан туриб, ўйнашадилар, ашула айтишадилар. Бу кабилаларнинг турмуш тарзи хақида шундай хикоя киладилар. Аракснинг бир ўзани каспий денгизига куйилади. Каспий денгизи бошқа сув омборлари билан боғланмаган денгиздир

[16]

.“Массагетларнинг кийим-кечаклари скифларникига ўхшайди ва турмуш тарзи ҳам ўхшаш. Улар отда ва пиёда юрадилар. Одатда, уларнинг куруллари камон, найза ва жангавор ойболталардан иборат. Уларнинг ҳамма нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Аммо, барча санчик, ўк ва харбий болталарнинг металл қисми мисдан ишланган (бронзадан демокчи-А.А.), бош кийимлари, бел камари олтин билан нақшланган. Улар отларининг эгар-жабдукларини ҳам уст-бошлари каби олтин билан безатадилар. Темир ва қумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзгорида ишлатилмайди, чунки бу металллар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди. Аммо, уларда олтин ва мис жуда кўп”

[17]

Массагетларнинг урф-одатлари хақида мана нималарни айтиш мумкин: Оиладаги эркакларнинг хар бири биттадан аёлга уйланади, аммо, улар оиладаги аёлларнинг истагани билан бирга жинсий алоқада бўлиши мумкин. Массагет бирон бир аёлга илакишиб қолса, ўзининг ўқдонини унинг юртаси эшигига осиб, ичкарига қиради ва шундан сўнг бамайли хатир ўзга хонадон бекаси билан жинсий алоқада бўлиши мумкин. Уларда инсон учун (ҳеч қандай) қатъий норма белгиланмаган. Лекин, агар қимки ўта қариса, унинг барча қориндош-уруглари йигилишадилар ва қариёни ўлдиришиб, унинг этини қурбонликка сўйилган хайвон гўшти билан бирга қайнатиб ейдилар. Бундай ўлим улар учун энг фахрий ўлим хисобланади.

Бошқа сабаблар билан ўлган кишилар гўштини улар истемол қилмайдилар, аммо ерга қўмадилар. Массагетлар бугдай экмайдилар, қорвачилик ва балиқчилик билан шугулланадилар (Араксда балиқ зиётидан ортик) ҳамда сут ичадилар. Массагетларда улугланган ягона худо-бу Қуёшдир, Қуёшга улар отни қурбонлик қиладилар, чунки худога дунёдаги энг қакқон-тез қопар қонликни қурбон қилиш қозим деб ўйлайдилар” [18] .

Миллоддан аввалги 530 йилда Қир II массагетлар устига қуриш қилади. Геродотни ёзишича, шу кезларда массагетлар подшоси ўлган бўлиб, унинг ўрнига бева

хотини-Тўмарис подшолик киларди. Геродот ушбу воқеани қуйидагича хикоя қилади: “Массагетларнинг подшоси ўлган шохнинг беваси эди. Унинг номи Тўмарис эди. Кир II уни хотинликка олиш бахонасида, унга совчилар юбаради. Аммо, Тўмарис Кирни унга уйланиш учун эмас, балки массагетлар подшолигини эгаллаш учун шундай қилганини тушуниб қолади ва унга рад жавоб беради. Кир айёрлик йўли билан ўз мақсадига етаолмагач, массагетлар юртига очик уруш эълон қилади. Дарёдан (Араксдан) қўшинни ўтказиш учун подшо сол-кўприк (понтонлик мост) қуришга буюради, кўприк устига эса минора қурдиради. Кир қўшинлари бу ишлар билан бандлигида Тўмарис Кирга вакил юбариб, “Мидялилар подшоси! Кўприк қуришни тўхтат! Сен олдиндан билмайсанку, бу ишларинг сенга фойда келтирадимми ёки йўқ. Шаштингдан қайт, ўз мамлакатингга подшолик қилавер, бошқалар юртига кўз олайтирма. Лекин сен, албатта, маслахатимга қўнмайсан, тинчликни уйламай, ўз билганингдан колмайсан. Агар сен массагетлар устига харбий юриш қилишни жуда истаётган бўлсанг, дарёга кўприк қуришни тўхтатгинда, дарёдан биз томонга бе малол кечиб ўтавер, мен қўшинларимни сохилдан уч кунлик йўл нарига олиб кетаман. Агар сен истасанг, сохилдан уч кунлик йўл нарига қўшинингни олиб кет, мен дарёдан кечиб ўтай, сенинг юртинг чегараларида жангга қилайлик” Шундан сўнг Кир амалдорлари билан маслохат кенгаши ўтказди ва Тўмарисни қўшинлари билан ўз ерларида қарши олишга қелишадилар.

Аммо, йигинда қатнашганлардан бири-лидиялик Крез бундай қарорга қелиш қатта хатоликка йўл қўйиш билан баробар эканлигини шохга исботлайди ва дейдики, “Агар душманни ўз ерингга қиритсанг, сенга қатта хавф тугилади: мағлубиятга учраб, мамлакатинг бошига офатлар қелтирасан. Чунки, массагетлар галабадан сўнг ўз юртларига осонликча қайтиб кетмайдилар, аксинча мамлакатинг ичкарасига босиб бораверади. Агар сен қолиб қиксанг, сениг ютугинг унчалар қатта бўлмайди. Бу ютук уларнинг ерларида юз берса, сен уларни ўз юртларида қувлайсан. Мен қар икки қолатни таҳлил қилиб, шундай қулосага қелдимки, сен душманни ўз ерида енгиб, тўғридан-тўғри Тўмарис юртига қириб борасан. Менимча, дарёдан ўтиб, улар юртига қириб олайлик, қани душмонларимиз қанчага чеқинар экан, сўнг улар устидан қолиб қикиш йўлларини ўйлайлик” деб Крез ўз режасини баён қилади. “Билсам, массагетлар аслзодаларга қос форс турмуш тарзидан муқлако беҳабар ва улар (массагет жангчилари-А.А.) шохона дастурхон қўрмаган эканлар. Харбий лагерда қўпгина қўйлар сўйилиб, тўқин дастурхон ясақиб, қичик бир отряд билан қерагидан ортик вино ичимликлари қолдириш режалаштирилади. Асосий қўшин эса дарё томон чеқиниши қерак. Агар мен адашмасам, дейди Геродот- душмон лагерида қолдирилган қисмини массагетлар енгиб, лагерда тузалган тўқин дастурхонга ташланадилар, маишат бошқаниб қетади. Мўл-қўл винолардан бадмаст бўлган душмон устига Кир қўшинлари ёпирилиб ташланадилар ва буюқ галабага эришиш имқониятлари яратилади [19].

“Кир биринчи маслохатдан воз кечиб, Крез таклифини қабул қилади. Сўнг шох Тўмарисга хабар юбариб, уни чекинишга, дарёдан ўтиб олиб, унинг ерида жанг қилишга тайёр эканлигини билдиради. Малика ваъдасига биноан ўз қўшинлари билан чекинади. Кир эса ўгли Камбисни валиахд қилиб тайинлаб, унга Крезни хурмат қилишга ва (урушда бирон ҳол юз бергудек бўлса) доимо гамхурлик қилиб юришни топширади. Шундан сўнг Кир Крез билан Камбисни Персидага жўнашга рухсат беради, ўзи эса қўшинлари билан дарёдан кечиб ўтабошлади. Араксдан ўтгач, массагетлар ерида Кир туш кўради. Тушида у катта ўгли Гистаспни елкасида канотлар ва у канотларни бири Осиёни, иккинчиси Европани ёритиб турган эмиш. Арсам ўгли Гистаспнинг энг катта фарзанди, Ахамонийлар уругидан бўлган Доро ўша вақтда 20 ёшларда бўлгани учун харбий хизматга олинмай

Персияда қолиб кетган эди. Уйғониб Кир кўрган туши устида ўйлай бошлади, Сўнг у ҳузурига Гистаспни чақириб, гувоҳларсиз дейди: « Гистасп!

Сенинг ўглинг менга ва менинг давлатимга ҳавф солмоқда. Бу менга аниқ маълум бўлди... Чунки худолар менинг ҳақимда қайғурмоқдалар. Хуллас, тушимдан маълумки, сенинг ўглинг менинг жонимга қасд қилмоқчи. Шунинг учун Персидага тезроқ қайтгинда ўглингни жазога торт, мен массагетлар юртини таслим этгач, уйга қайтаман” дейди

[\[20\]](#)

Кирнинг тушида илоҳларнинг маълум қилишича, массагетлар билан бўладиган жангда унинг ҳалокати, подшолик эса Дорога ўтиши аён бўлади. Каттик ташвишга тушган Кирни кўнглини кўтариш мақсадида, “эй олам паноҳ!, Сени ўлимингни истаган қимсани форс бўлиб тугилгандан кўра, тезроқ ўлгани яхши эди. Сен форсларни қулликдан озод этиб, барча халқлар устидан ҳукмронлик қилишни таъминладинг. Агар сенинг тушларинг менинг ўғлимни исёнкор эканлигини аён қилган экан, мен уни сенинг қўлингга топшираман, уни нима қилишликни ўзинг ҳал қил!” [\[21\]](#) деб Персидага жўнайди.

Кир эса ўз қўшинлари билан Араксдан ўтиб, бир кун йўл босади ва Крез маслохатига кўра лагер қуриб, энг заиф қўшинларидан бир қисмини тўқин дастурхон билан қолдириб, ўзи яна асосий қўшин билан Аракс бўйига қайтади. “Массагетлар армиясининг учдан бир қисми билан КирII қолдирган қўшин ўртасида каттик жанг бўлади. Жангда форслар қўшини енгилди. Галабадан хурсанд массагетлар тўзаб қўйилган тўқин дастурхонга ташланадилар, маишат бошланади. Массагетлар бадмаст бўлишиб, барчаси уйқуга кетган пайтда, Кир қўшинлари пайдо бўлиб, бир қисм массагетларни қиради, қолганларини осонгина асир оладилар. Асирлар орасида малика Тўмариснинг ўгли, массагетлар сардори Спаргамис ҳам бўлган эди”

[\[22\]](#)

Геродот ўз хикояларини давом эттириб: “ Малика Тўмарис ўз кўшини ва ўгли билан юз берган воқеадан хабар топгач, Кирга элчи юбаради ва дедики, “Конхўр Кир! Куванма, бу ютугинг билан. Узум виносини ичганда сизлар ҳам эс-хушингизни йўкатасиз, сўзлаганда маънисиз, нолейик иборалар ишлатасиз, ҳалол жангда курол кучи билан эмас, балки шундай ифлос йўллар билан ўғлимни кўлга олдинг. Энди менинг сўзимга кулок сол: ўғлимни бер ва яхшилиқча менинг ерларимдан кет, кўшинимни учдан бир қисмини яқсан қилишга эришдинг. Агар сен шундай қилмасанг, массагетлар илоҳи - Куёш худоси олдида қасамёд қиламанки, мен сени-конхўр жаллодни, конингга тўйдираман”

[\[23\]](#)

. Аммо, Кир элчи сўзларига эҳтибор бермади, жанга отланди. Малика Тўмарис ўгли Спаргапис эса мастликдан хушига келгач, ёмон аҳволга тушиб қолганини тушунади, занжирбандликдан озод қилишликни Кирдан илтимос қилади. Валиаҳд кўллари қишандан озод этилгач, нодонлик қилиб қўйганлигидан орият қилиб, ўзини-ўзи ўлдиради”

[\[24\]](#)

«Кир Тўмарис таклифини эҳтиборга олмагач, малика бор кучи билан форслар устига ташланди. Бу жанг, менинг назаримда варварлар билан бўлган тўқнашувларнинг энг даҳшатлиси эди. Жангни бориши билишимча бундай бўлган. Аввало, ҳар икки томон бир-бирларига қарама-қарши туриб олиб, узокдан қамондан ўқ отишган. Ўқдонлар бўшагач, найза ва ханжарлар ёрдамида олишув бошланган. Томонлар узок олишадилар, ҳеч қим чекинишни истамайди. Ниҳоят массагетларнинг кўли қамондан келади. Деярли форс кўшинлари ва Кир ҳам жангда ҳалок бўлади. У 29 йил подшолик қилган эди. Тўмарис Кир танасини ўликлар ичидан топдириб, унинг қалласини одам қонига тўлдирилган чарм мешга солишни буюради. Сўнг магрур она мақомида ўз кўшини ва асирлар олдида нутқ сўзлайди: «Сен ўғлимни хийлаю-найранг ишлатиб кўлга туширдинг ва нобуд қилдинг. Мен эса ҳаётман ва сени жангда енгдим. Шунинг учун сенга мен айтган эдим, конингга тўйдираман” [\[25\]](#). Бу хабарларнинг охирида Геродот бундай ҳулосага қелади: “ Кирнинг ўлими ҳақидаги кўпдан-кўп хикоялар орасида менимча, бу хикоя энг ишончлидир”

[\[26\]](#)

Геродотдан аввал аждодларимиз ҳақида илк хабарлар келтирган бошқа бир юнон тарихчиси милетлик Гекатей бўлиб, у милотдан аввалги VI-V асрларда яшаб, юртимиз қадимги халқлари ва ахамоний империяси ўлкалари рўйхати ҳақида хабар берган. Унинг маълумотларидан Геродот ва Ктесийлар ўз асарларида фойдаланганлар. Хорасмиялар ва уларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиши ҳақидаги маълумотларни эса у Скилакнинг “Саёҳатно-

нома”сидан олиб, ўзининг “Ер қуррасининг тасвири” асарида баён этган.

Ктесий. Геродотнинг тарихий аъналарини давом эттирган бошқа бир юнон тарихчиси Кичик Осиёдаги Книд шахридан чиққан Ктесийдир. У милoddан аввалги V аср охири ва IV асрнинг биринчи ярмида ахамонийлар саройида шох Артаксеркснинг шахсий табиби сифатида 17 йил хизмат қилган. Қадимги юнон афсоналари таъсирида тарбияланган Ктесий подшо саройида Шарқ халқлари дostonлари ва тарихи билан жуда кизиккан. Шунинг учун у қадимги Шарқ давлатлари, шаҳарлари ва халқлари ҳақида талай маълумотлар тўплаб, “Хиндистон тасвири”, “Персика”, “Осиё солиғи ҳақида”, “Ер тасвири”, “Тоғ ҳақида”, “Дарёлар ҳақида” асарлар ёзган. Аммо, уларнинг биронтаси ҳам бизгача тўлиқ сақланиб қолмаган, кейинги давр муаррихлари баёнида, айниқса Диодорда келтирилган парчаларда сақланган. Ктесий айниқса Хиндистон ва Бактрия тарихига тегишли маълумотларга катта эътибор беради. Чунки Хиндистон ва унга чегарадош Қадимги Бактрия подшолиғи юнон тарихчиларининг фикрига кўра, дунёнинг шарқий чегараларидаги охириги давлат бўлган. Унга чегарадош қадимги Бактрия эса олтин ва лаъли ложувард тош қонларига бой ўлка бўлиб, унинг найзабоз ва қамончи қавандозлари Эронда машҳур эди.

Ктесий асарида тарихий воқеалар ривоятлар денгизида омўхталашган бўлсада, айниқса Бактрия, бактрия халқи, унинг тарихига кизикувчилар кўламининг қенлиғи билан қимматлидир. Ктесий Оссурия подшоси Нин ва Бактрия подшоси Оксиярд (бошқа манбааларда Заратушра) урушлари ҳақида, Кир II нинг бактрияликлар билан тўқнашуви тўғрисида ҳикоя қилади; Бактриянинг жуда кўп истехкомлари ва қалъалари тўғрисида, унинг баланд ва мустаҳкам мудоффа деворлари билан ўраб олинган пойтахти Бактра номли шаҳар бўлгани, унда подшо қасри жойлашгани тўғрисида маълумотлар келтиради ҳамда шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Нин бактрияликларга қарши юришни бошлаган. У Бактриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиғи ва жасурлиғи ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли кўшинларни йиғиб олган. Шу кўшинларга сардор бўлиб, Нин Бактрия юртига бостириб қирган, аммо вилоятдаги хилма-хил тоғ даралари ва йўллар уни кўшинларни бир неча қисмларга бўлишга мажбур қилган”. Матн мазмунидан маълумки, Нин кўшинлари Бактра шаҳри деворларини бузиб, қалъа ичига қира олмаган.

Кўп тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинган Ктесий маълумотлари археология тадқиқотларида ўз тасдиғини топмоқда. Ҳозирги кунда Бактрия тупроғида милoddан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ қишлоқ-кўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган. Биргина Сурхон воҳасида жойлашган Қучуктепа, Пшактепа, Бешкўтон, Талашқан, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча,

Обишир, Шўртепа каби ёдгорликларни эслаш кифоя. Улар мудофаа деворлари, мудофаа буржлари билан мустахкамланган қалъалар ва кўргонлардир. Қадимги аҳоли у даврларда сугорма дехқончилик билан шугулланган. Уй-қурилиши, диний ва дунёвий монументал бинолар қурилиши, кўп тармоқли хунармандчилик ва савдо-сотик, айникса унинг қулоччилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва кўнчилик соҳалари Бактрияда юксак даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Агар Авестода Бактрияни “энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка” деб таърифланса, юнон муаллифлари “минг шаҳарли давлат” деб атайдилар. Геродотдан олдин “бактрия халқи” тушунчасини буюк Эсхил “Форслар” трагедиясида ишлатади ва форсларда ёш бактриялик жангчилардан Тенаган ва Аритом исмларини тилга олиб, уларни Саламин жангида (милоддан аввалги 480 йилда) қахрамонларча қурашиб халок бўлганини эслайди.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари хақида аниқ ва ишонarli маълумотлар Искандар тарихчилари ва улардан кейин ўтган юнон муаррихлари қаламига мансубдир. Милоддан аввалги 329 йилда Македониялик Искандарнинг Бактрия ва Сугдиёна ерларига ҳарбий юришларида, унинг қўшини билан бирга бўлажак тарихчилар-Птолемей, Аристовул, Онесикрит, Қаллисфен ва Харесслар хизмат қилиб, турли хил сиёсий ва маданий воқеяликларни ёзиб борганлар. Аммо, бу маълумотлар уларнинг ўзлари томонидан ёзилган махсус асар сифатида бизгача етиб келмаган бўлсада, у маълумотлардан сўнги давр юнон тарихчилари ва географлари кенг фойдаланганлар. Масалан, Диодор (мил. авв. 90-21 йиллар) «Тарихий кутубхона», Страбон (мил. авв. 64-24 йиллар) «География», Помпей Трог (мил. авв. 1-милодий 1 аср) “Филипп тарихи” асарларини, Плутарх (милодий 46-127 йиллар), Клавдий Птолемейлар (милодий II аср) ўз ҳикояларини, Плиний (милодий I аср) “Табиий тарих” номли китобини яратдилар. Аммо, Искандар ҳарбий юришлари хақида кенг ва тўлиқ маълумотлар римлик Квинт Курций Руф (милоддан аввалги I асрнинг охири – милодий 1 аср ўрталари) ва юнон Арриан (милодий 90/95-175 йиллар) асарларида бизгача етиб келган. Арриан “Искандар юришлари”, Квинт Курций Руф эса “Македонияли Искандар тарихи” асарларини яратган. Қуйида уларнинг асарларидан М.Е Сергеев ва В.С.Соколовлар томонидан рус тилига ағдарилган вариантдан парчалар келтирамиз.

Арриан. Македониялик Искандарнинг Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юришлари хақида ёзган антиқ дунё тарихчиларидан бўлиб, юртимиз қадимги халқлари, уларнинг урф-одатлари, жангавор мард ўғлонлар эканлиги ҳамда енгилмас Искандар қўшинига қутилмаганда пайдо бўлиб, илк бор зарба берган жасур халқлар эканлиги хақида ноёб маълумотлар беради. Арриан ҳикоя қилади: “Искандар яқинлашиб қелиши хақида эшитиб, Бесс Окс дарёсидан кечиб ўтади ва кемаларини ёндириб,

Наутака-сугдийлар ерига йўл олади» [27] Спитамен ва Оксиард билан бирга сугд чавандозлари ҳамда Танаис дайлари унга эргашадилар. Бактрия чавандозлари Беснинг кочишидан хабар топиб, хар томонларга қараб ўз уйларига йўл оладилар. Искандар Драпсакка етиб келади, кўшинларга дам бериб, уларни Бактриядаги энг йирик шаҳарлар-Аорн ва Бактра томонга юргизади. Бу шаҳарларни хужум қилиб забт этади. Химоясиз таслим бўлган бактрийларга ҳоким
қилиб форс Артабоз тайинланади”
[28]

“Искандар чавандоз кўшинларини маҳаллий отлар билан таъминлаб Сугдиёна пойтахти Марокандага йўл олади” [29]. “Шу жойдан Танаис дарёсига қараб юради. Танаис ҳам Кавказ тоғларидан бошланади, Аристовул сўзларига кўра, варварлар (юнонлар ўзга халқларга нисбатан одатда “варвар” иборасини ишлатишга одатланганлар-А.А.) уни Орксант дарёси дейдилар [30]; “Шу ерда озик- овқатлар
гамлашга чиққан македонлар маҳаллий аҳоли томонидан қириб ташланади, кейин
уларнинг ўзлар тик ва чиқиб
бўлмайдиган қояга қочиб бекинадилар. Улар 30 мингга яқин бўлган”
[31]

. “Македонлар қояга чиқиш учун бир неча марта ҳаракат қиладилар; дастлаб улар варварлар ўқлари остида ортга чекинадилар; кўп аскарлар ярадор бўлади; Искандарнинг сонига ўқ тегиб, суягини бир қисмини учириб кетади. Шунга қарамасдан қоядаги қалъа хужум билан олинади. Македонлар варварларнинг бир қисмини жойида қириб ташлайдилар, уларнинг кўплари ўзларини қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар, шунинг учун ҳам 30000 дан 800 киши тирик қолади”
[32]

. “Спитамен ўз жангчилари билан Мароканда қалъасини кўриқлаётган македонларга хужум қилади”

[33]
. “Искандар Марокандага ёрдамчи кўшин юбарганидан хабар топиб, Спитамен қалъа камалини тўхтатиб, Сугдиёнадаги
басилейа – подшо шаҳрига отланади

[34]
(Басилейа Пойарикдаги Кўктепа болса керак- А.А.). “Спитамен яна 600 та скиф отликларини ўз кўшинига кўшиб олади ва скиф иттифокдошларидан кўнгли кўтарилиб, хужум қилаётган македонларга қарши жанг қилишга қарор қилади. Скиф даштларининг текислигида туриб у душманнинг хужумини ҳам қутмади, душманга хужум ҳам қилмади; фақат унинг чавандозлари пиёда македонларнинг атрофида от қоптириб юрдилар ва уларга ўқ отдилар”

[35]
.“Фарнухнинг аскарларидан улар осонгина қутилдилар, чунки уларнинг отлари чакконрок бўлиб, ўша пайтда ҳали қарчамаган эди, Андромах кўшинларидаги отлар эса олис йўлларда қарчаб, емиш қамлигидан заифлашганди. Скифлар жанг майдонида турган ва чекинаётган македонларга қайрат билан хужум қиладилар”

[36]

. “Кўпдан-кўп македонлар яраланади ва ҳалок бўлади; ҳуллас аскарлар тўртбурчак бир қатор сафланиб, Политимет дарёси томонга чекинадилар; бу ерда ўрмон бўлиб, ўрмондаги чангалзорлар варварларнинг ўқларига тўсик бўлади ва пиёда аскарларнинг ҳаракатларига кўпроқ фойда келтиради”

[37]

. Арриан шу ерда Искандар кўшинларини кечувдан ўтиш вақидаги тартибсизлик, улар орасида юз берган кўркув ҳақида гапириб, сўнг ҳикоясини давом эттиради: “Македонларнинг ҳатоларини сезиб қолган отлик варварлар ҳар иккала қирғоқдан отлари билан дарёга ташланадилар.... Македонларнинг баъзилари дарёдан кечиб ўтган эдилар ва узоклашганларнинг ортидан варвар суворийлари қувадилар, бошқа бирлари дарёни кечиб ўтаётганларга рўбаро бўлиб, уларни ортга, сувга улоқтирадилар ёки ўқ отадилар ёки дарёга келаётганлар ортидан ҳужум қиладилар. Оғир аҳволга учраган македонлар дарё ўртасидаги кичик оролга ташланадилар. Спитамен аскарлари уларни ўраб олиб, ҳаммасини қириб ташлайдилар; бошқа бир кичик қисмини асирликка олиб, ҳаммасини ўлдирадилар”

[38]

. (Аррианни бу ҳикояси Зарафшон дарёсининг Пойарик туманида Окдарё ва Қора дарё қаби ирмоқларга бўлинган жойида Мианқал номли кичик бир орол ҳосил бўлган, гап шу орол ҳақида бормоқда-А. А.).

«Шу мағлубият ҳақида Искандарга хабар етиб келганда у аскарларнинг аччиқ тақдирларидан қайгуга тушади ва Спитаменга қарши шиддатли ҳужум қилишга қарор қилади. У ўзи чавандозлар кўшинининг ярмига ва тез юрар пиёда аскарларга бош бўлиб, Марокандага йўл олади, унинг билишича, Спитамен шаҳарга қайтиб қалъани яна қамал қилган”

[39]

. Арриан ҳикоясини давом эттириб хабар қиладик, Искандар уч кун узок йўл босиб, тўртинчи кун тонгда Марокандага етиб келса, ундан хабар топган Спитамен аллақачон шаҳарни ташлаб сахрога чекинади. Искандар уни кетидан изма-из қувиб, йўл-йўлақай учраган маҳаллий аҳолини аёвсиз қиличдан ўтказиб, қишлоқ ва шаҳарларни вайрон қилади. “У Политимет дарёси сувларидан фойдаланувчи бутун мамлакат ерларидан ўтди”

[40]

, дейди Арриан. Демак, Спитамен Бухоро томон чекиниб, Қизил Қум ичкарасига қириб кетган. Самарқанд ва Бухоро оралигидаги аҳоли пунктларининг деярли барчаси Искандар кўшинларидан азиат чеккан.

Аррианни ёзишича, Искандар аламидан ўтказган ёвузликларини яқунлаб, Спитаменга етаолмай Зарияспда (Балх қалъасига- А.А.) қишни ўтказди. Шу пайтда Искандар ҳузурига Хоразмдан қолхлар ва Амазонка қабилаларига қўшни бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб подшо Фарасман келади ва унга Хоразмдан шимолда яшовчи қабилаларни истило қилиш ниятида бўлса, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигини билдиради. Искандар Фарасманга миннатдорчилик билдириб, у билан дўстлик иттифоқи шартномасига имзо чекади ҳамда Понт денгизи томон юришга ҳозир вақти йўқлигини

билдириб, Фарасманни Бактрия сатрапи форс Артабоз хузурига юбариб, ватанига жўнатади. Ўзи эса Сугдиёна шаҳарларида қолдирган ишончли одамларига - ҳокимларига қарши чиққанларга жазо бериш ва Сугдда тартиб ўрнатишни режалаштиради [41].

Нихоят, Искандар махсус кўшин билан бирнеча

яқинларини Бактрияда қолдириб, “уларга шу давлатни назорат қилиб туриш билан бирга варварларнинг галаёнлар кўтаришига йўл қўймаслик ва бошланган кўзғолонларни бостириш ҳақида буйруқ бериб” ўзи Марокандага отланади

[42]

. “Искандар шу ишлар билан банд бўлган пайтда, Спитамен скиф-массагет ерларида 600 та отлик сипохийларга бош бўлиб, Бактриядаги бир қалъага етиб келади. Қалъа кўрикчиларининг бошлиғи Фрурах ва унинг аскарлари ҳам душман томонидан ҳужум ҳавфини қутмаганлар, аскарлар қиради. Фрурах асирликка олинади. Шу қалъани қўлга қиритишганларидан қўнгли

кўтарилиб, улар бир неча кундан сўнг Зариаспага етиб келадилар, аммо шаҳарга ҳужум қилмадилар ва катта ўлжани қўлга олиб ортга қайтишга қарор қилдилар”

[43]

. “Кратер бу ҳақда хабар олиб, массагетларга қарши шиддатли юриш бошлади. Улар бундан хабардор бўлиб, чўлга чекинадилар. Кратер Спитаменнинг изидан қувиб, унга саҳро чегараларида етиб олади; унинг (Спитаменнинг – А.А.) бошчиллигида яна мингта отлик массагетлар бор эди. Македонлар ва скифлар ўртасидаги қучли жангда македонлар галаба қозонадилар. Скифларнинг 150 та қавандозлари ҳалок бўлади. Бошқалари осонлик билан чўлга бекинадилар; уларнинг кетидан қувиш македонлар учун оғир бўлади”

[44]

. Жангда катта талофат кўрган Спитамен айғокчилари орқали билдики, македонлар уларни ҳар томондан қуршаб, сиқувга олган. Қутилишни ягона йўли македонларнинг Қен бошчиллигидаги кўшинларига қарши шиддатли ҳужум билан галаба қозониб, қуршовдан чиқиш. Шу мақсадда Спитамен Гава сугдийлари билан скиф-массагетлар юрти чегараларига йигилиб, отрядидаги 3000 кўчманчи қавандозларни

Сугдиёна томонга юришга қўндиради

[45]

. “Бу скифлар, - Аррианни ёзишича, - жуда ҳам қашшоқ аҳволда яшаганлар; бойлик мулкларидан ажраб қолишдан

қўрқмас эдилар, шунинг учун уларни ҳар қандай урушларга рози қилиш осон эди. Қен Спитамен унга яқинлашиб қелишини сезиб, унга қарши чиқади”. “Шиддатли жанг бошланиб, у македонлар учун галаба билан яқунланди; бу жангда душманнинг 800 та отлик қавандозлари, Қен кўшинидан эса 25 та қавандоз ва 12 та пиёда аскар ҳалок бўлади. Кўпчиллик бактрияликлар Спитаменни ташлаб, уни ёлғиз қолдирадилар ва Қен олдига етиб келиб, асирга тушадилар”. “Мағлубиятга учраган кўчманчи қавандозлар ўзлари билан жангда қатнашган қуролдошлари-бохтарийлар ва сугдийларни от-араваларидаги юқларини талаб, Спитамен билан дашт ичида қойиб бўладилар.

Кўчманчи массагет қавандозлари Искандарни ўзи улар изидан қувиб қалаётганлигини билгач, ўз сардорлари-Спитаменни бошини қесиш Искандарга юбарадилар”

[46]

Квинт Курций Руф қадимги Юнонистоннинг антик даври тарихчилари мактабининг вакилларида бири бўлиб, у ўзининг “Македониялик Искандар тарихи” асарида қадимги Бактриянинг ранг-баранг табиати ва Искандар ҳарбий юришлари ҳақида яхши маълумотлар қолдирган. Масалан у Бактрия мамлакатининг табиати ҳақида шундай ёзади: “Бактриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва тоқ новдаси сероб ширин мева ҳосил қилади; унумдор ерларни кўп сонли булок-дарёлар сугорадилар; ҳосилдор тупроғида бугдой экилади; бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади”. “Мамлакатнинг катта бир қисмини ҳосилсиз даштлар эгаллайди; сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган вилоятларда на одамлар, на мевалар бор. Понддан (денгиздан – А.А.) эсаётган шамоллар текисликларга қумларни учуриб келтиради; олис масофадан қум уюмлари катта тепаликларга ўхшаб кетади; шу ерда йўлларнинг излари йўқолиб қолади” [47]. Курций Руф

Искандарнинг Осиёга уюштирган ҳарбий юришлари ҳақида, айниқса унинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. Улардан парчалар келтиради: “Искандар Бактрия вилоятини бошқаришни тажрибали лашкарбошиларидан бири Артабозга топшириб, унинг билан бирга кўрикчи кўшин ва от-аравалар қолдиради. Ўзи эса ҳаракатдаги кўшинларга бош бўлиб, Сугдиёна саҳросига йўл олади” [48].

“Хуллас, кечки пайт у Окс дарёсига етиб келади. Аммо, унинг изидан келаётган кўпдан-кўп аскарлар унга етаолмайдилар ва орқада қоладилар. Шунинг учун ҳам у баланд тоғ устида ўт ёндиришга буйруқ беради, орқада қолганлар учун аланга нури лагерга яқинлаб қолганликларини билдиради”

[49]

. Македонлар дарёдан соллар орқали барча кўшин ва уларнинг юк-тоқларини 6 кунда ўтказиб, сўнг узок йўл босиб, “Искандар Марокандага етиб келади. Унинг мудофаа деворларининг узунлиги 70 стадий; шаҳар кўргони иккинчи девор билан ўраб олинган”

[50]

. “Танаис ортидаги сикф мамлакатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида асос солинган шаҳарни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғогидан узок масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлик кўшинга бош қилиб ақаси Каратазисни юбаради. Танаис дарёси бакрийларни европалик скифлардан ажратиб туради”

[51]

. “Искандар тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жанг қилишга эришади, унинг кўз ўнгида душман чавандозлари отда чопадилар, у эса ярадорликдан бутунлай тузалмаган. Хуллас, у дўстларини маслаҳатга чақиради”. “У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан кўркан эди. Бактрияликлар исён кўтарадилар, скифлар безовта қиладилар; унинг ўзи зўрга оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади”

[52]

Курций Руф Искандар билан Спитамен кўшинлари ўртасидаги жангу-жадаллар ҳақидаги ҳикояларида буюқ галабаларга ўрганган Искандарни Спитамен ҳарбий тактикалари чўчитиб қўйганлиги, унга қарши кўшинга тажрибали саркардалар ва кўп қолларда шахсан ўзи бош бўлиб жангга кириши, душмоннинг “ҳар бир отларида

иккитадан қуролланган чавандозлар бўлиб, қутилмаганда улар навбат билан отдан тушиб, отлиқлар жангида душманга тўскинлик қилишлари”, аскарларнинг эпчилиги отларнинг чакконлигига ўхшаб кетиши ва уларнинг душманларга қарши бирданига ордан, рўппара ва ён томонлардан ҳужумга ўтиб, душманни доводиратиб қўйишлари хақида ёзади

[53]

. Спитамен билан македон қўшини қўмандони Менедем ўртасидаги жангда тажрибали Менедем қанчалар ўз қўшини жангчиларини мардликка ва жасоратга чақириб, уларни руҳлантормасин, ёмгурдек ёғиб турган Спитамен жангчилари сиқувига бардош бера олмайди, Менедемнинг душмон устига даҳшат солиб ташланишлари ҳам фойда бермайди, ниҳоят у “саноксиз яралардан заифлашиб, жонсиз от устидан йиқилади”

[54]

. Македонлар “бу жангларда 2000 та пиёда, 300 та отлиқ чавандозларидан ажрайди. Жанг майдонидан чиқиб келган аскарларни ўлим жазоси билан қўрқитиб, Искандар бу мағлубият хақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади”

[55]

Курций Руф ўз асарида Бактрия қаби Сугдиёна хақида ҳам маълумотлар қолдирган. Унинг ёзишича, “Сугдиёна-кенг ҳудудий масофадаги даштли мамлакатдан иборат, чўлларининг кенглиги 80 стадийга яқинлашади. маҳаллий аҳоли томонидан Политимет деган дарё мамлакат бўйлаб шиддатли оқади. Сув йўли ўзани торайиб, дарё қум ичига оқади ва қумга сингиб кетади” [56]. Курций Руф Искандар Спитамен билан уч йил давом этган машоқатли урушда қолиб қолган, қўзғолончиларни жазолаш учун уларни тирик қолган етакчиларини талаб қилади, деб ёзади. Шунда “сугдийлар асирлардан подшога 30 та қучли эрларни олиб келдилар, улар подшо буйругига биноан ўлим жазосига берилишини эшитиб, мағрур ҳолатда гоят хурсонд бўлишиб қўйлайдилар”. “Подшо уларнинг мардлигидан ажабланиб, ортга қайтаришга буйруқ беради ва ўлим олдидан уларнинг шодланиш сабабларини суриштиради. Улар айтадиларки, агар улар ўзларига бошқа биров ўлим жазосини берганда, қайгуланиб ўлардилар, аммо ўз аждодларининг ёнига уларни ҳамма қабилалар устидан қолиб қолган улуг подшо юбарганлигидан хурсонд бўлишиб, ўз жонажон қўшиқларини айтдилар ва бутун жасурлар орзуси бўлган фахрли ўлимни байрам қилдилар” [57] деб жавоб қилган эканлар.

Страбон машҳур «География» асарининг муаллифи. У Ўрта Осиё қадимги халқларининг урф-одатлари, шаҳарлари ва дарёлари хақида маълумотлар беради: “Олдинги замонларда бактрийлар ва сугдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари қўчманчиларнинг турмуш тарзидан қўп фарқ қилмаган, аммо бактрийларнинг анъанавий маданияти анча юқори бўлган; лекин улар хақидаги Онесикритнинг фикри мактовга сазовор эмас. Унинг сўзларига қўра, қариллик ва қасалликдан қаттиқ толиққан одамларни улар маҳсус бокқанлар ва ўзларининг маҳаллий тилларида “гўрқовлар” деган итларга

тирик ҳолда ташлаганлар. Бактрийлар пойтахти деворларидан ташқари жойлар тоза бўлган, лекин мамлакат ичкарасидаги ҳудуднинг катта бир қисми одамлар суяклари билан тўлдирилган; Искандар бу урф-одатни йўқ қилди. Шунга ўхшаган хикояларни каспийлар хақида ҳам айтиб берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз ота-оналарини қамаб қўядилар ва оч қолдирадилар” [58].

Страбон юртимиз қадимги шаҳарлари хақида қуйидагиларни ёзади: “Айтишларича, Искандар Бактрия ва Сугдиёнада 8 та шаҳарга асос солган ва қўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бактриядаги Қариата (бу ерда Қаллисфен қўлга тушиб қамокка олинган), Сугдиёнадаги Мароканда ва Қира – Яксарт дарёсидаги Қир томонидан қурилган охириги шаҳар; бу форс давлатининг чекқаси бўлган. Искандар Қирни иззат-ҳурмат қилган бўлса ҳам, бу шаҳар аҳолисини қўпдан-қўп қўзғолонлари сабабли уни вайрон қилишга буйруқ берган...”

[59]

“Сугдиёна ичидан оқётган дарёни Аристовулнинг айтишича, македонлар Политимет деб аташган. Орийлар еридан оқётган Арий дарёсига ўхшаб бу дарё ҳам мамлакат ерларини сугориб, дашт ва чўл ўлкаларига интилади ва қумлар ичида йўқолиб кетади”

[60]

Сиёсий тарих. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юриши муносабати билан қўп мамлакатлар сиёсий ва этномаданий тарихида туб ўзгаришлар юз берди. Милоддан аввалги 329 йилда Искандар ўз қўшинлари билан Хиндикуш тоғ тизмаларидан ошиб ўтиб Бактриянинг пойтахт шаҳри Бактра ва бошқа шаҳарларни осонгина эгаллайди. Бактрия ва Сугдиёнанинг ҳокими Бесс эса охириги Ахамоний Доро III ни ўлдириб, ўзини Артаксеркс номи билан “улуғ подшо” деб эълон қилади ва Искандарга қарши чиқа олмай, издошлари билан Сугдиёнага, унинг Наутака шаҳрига қочиб, қалъага яширинади. Курций Руфнинг хабар беришига қараганда Искандар қўшинлари Бактрадан чиқиб, Окс (Амударё) томон юриб, Термиздан гарбда, Чўчка Гузар кечуви орқали Бесс ордидан Наутакага йўл олади. Қачок Бесс билан Спитамен, Аримаз, Датафарн ва бошқалар бирга бўлиб, Искандарни мамлакат ичкарасига қиритмаслик мақсадида Бессни оёқ-қўлларини қишанлаб Наутакада қолдирадилар, ўзлари эса Сугдиёна ичкарасига қириб, Искандар хатти-ҳаракатларини қузатадилар. Аммо, Искандар Бессни қўлга олсада, орқага қайтмади, аксинча ҳарбий юришни давом эттирди. Унинг асл ниятини тушуниб етган аслзода саркардалар Искандарни Бессдан подшо Доро III учун ўч олиш эмас, балки мамлакатни истило қилиш ниятида эканлигини пайқаб қоладилар.

Шундан сўнг Спитаменнинг мамлакатни ҳимоя қилиш ҳаракати бошланиб кетди. Спитамен ўз қўшинларини тўплаш ҳаракати билан юрган кезларда, Искандар Наутака ва Мароканда шаҳарларини осонгина эгаллайди ва Марокандада ўз ҳарбийларини бир қисмини қолдириб, Яксарт (Сирдарё) томон йўл олади. Уструшона тоғларида Искандар қўшинларига қарши маҳаллий аҳоли-мамакёнлар ҳужум қилдилар. Жангда Искандар яраланади, аммо каттик жанглар Искандар галабаси билан якунланади. Тоғликлардан

22 минг киши ҳалок бўлади. Искандар ҳарбий юришлари Яксарт томон давом этиб, Яксарт яқинидаги Кирополис шаҳри қамал қилинади.

Шу вақт Яксарт ортидаги саклар дарё соҳилига тўпланиб, македонларга ҳужум қилмоқчи бўладилар. Аммо, Искандар шошилинич дарёдан кечиб ўтиб, орада қаттиқ жанглар бўлади, саклар чекинадилар. Сўнг Искандар орқасига қайтиб, Яксарт соҳилида ҳарбий қалъа қуради ва унга Александрия Эсхата (четдаги Искандария) деб ном беради. Шу пайт Мароканда горнизонидан чопар келиб, Сугдиёнада македонларга қарши кўзғолон бошланиб кетгани, Мароканда эса Спитамен отрядлари томонидан қамал қилингани ҳақида ноҳуш хабар келтиради. Кўзғолончиларни тор-мор қилтириш учун Искандар шошилинич Фарнук билан Қаран бошчилигида пиёда ва отлик аскарларни Марокандага жўнатади. Политимет бўйидаги шиддатли жангларда Спитамен юнонлар устидан галаба қозонади, икки мингдан ортиқ македонлар ҳалок бўладилар. Искандар учун бу жанг қутилмаган мағлубият бўлиб, Искандар энди жангларга қатъийроқ тайёрланиш зарурлигини тушуниб етади. (Шу жойда Спитаменни тажрибали юнон сарқардаси Менедем билан бўлган жангдаги галабасини эсланг).

Искандар асосий қучлари билан Марокандага етиб келади. Аммо, Спитамен бу пайтда Қашқадарё қуёи хавзасида, Бухоро яқинида эди. Ханузгача енгилмиш нималигини билмаган Искандар қазаб ўтиди, Аррианни ёзишича, Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги қишлоқ ва шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказди. Милоддан аввалги 328 йилда Қуёи Зарафшонда бўлган жангларда Спитамен мағлубиятга учраб, тинимсиз жанглар ва сарсон-сарқардонликдан қарчаб, умидсизликка тушган унинг яқинлари Спитамен қалласини олиб Искандарга топширадилар.

Юнон тарихчилари ёзишига қараганда, бу урушлар туфайли Сугдиёна ҳаробага айланади, қўпгина сугдийлар Хисор тоғ тизмаларига жойлашган қалъаларга яширинадилар. 327 йилда Искандар Оксиярд эгаллаб турган “Сугд қалъа”сини қўлга қиритиб, Оксиярдинг гўзал қизи Рухшанакка (Раксона) уйланади. Сугдиёна ва Бактрия оралигидаги тоғларда жойлашган “Хориен қалъаси”да маҳаллий ҳокимлардан Хориен ўз оиласи ва яқинлари билан яшар эди. Искандар қўшинлари Хориен қалъасини ҳам осонгина эгаллайди. Таъқидлаш жоизки, аслзода Хориен ва Оксиярдлар ўз тинчлигини ўйлаб Спитамен қаби она-юрт ҳимояси учун қайгурмадилар. Шу муносабат билан шарқшунос олим В.В.Григорьев ватанпарвар сугдийларга ва уларнинг сардори Спитаменга юксак баҳо бериб шундай дейди: “Агар Доро III Искандардан ўз подшолигини ҳимоя қила олмаган бўлса, Бесс разил номард чиққан бўлса ҳамки, аммо бу ерда, Туронда, шундай дов юраклар топилдики, улар чет элликларга бўйсунмиш нималигини обдан тушуниб, уларга итоат этмадилар, шундай қўллар топилдики, улар қақирилмаган бегоналарга қарши халқ қасосини намоён этдилар”.

Искандар Бактрия, Сугдиёна ва Уструшонанинг бир қисмини истило этгач, Хиндистонга йўл олади, Ўрта Осиёнинг Хоразм, Фаргона, Чоч ва саклар юрти мустақил бўлиб қолади. Лекин Бактрия, Сугдиёна, Маргиёна ва Парфия вилоятлари салавкилар давлатига қўшилиб, ҳеч вақт ўтмай милоддан аввалги III аср ўрталаридан Бактрия, Сугдиёна ва Маргиёна таркибида Юнон-Бактрия давлати ташкил топади. Хуллас, Искандар Шарк халқларини ахамонийлар зулмидан озод қилиб, уларнинг устига юнон зулмини ўрнатди. Подшолар, ҳокиму-тўралар алмашиб, сиёсат ўзгарди, аммо Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари мустақил бўлмади. Бу зулмдан қутулиш учун минтақа халқларига жуда қўп вақтлар ва озодлик учун курашлар қилишга, қўплаб қон тўкишга тўғри келди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, македониялик Искандар ўз даврининг тадбиркор, ўз халқининг уddaбирон фарзанди эди. Ўша замоннинг сиёсий жараёнлари шундай подшони, шохлар шохини талаб этди. У ташкил этган урушлар ва ундан кейин юз берган қиргинликлар ҳам халқ бошига қўплаб азоб ва ўлим келтирди. Шу билан бирга, Искандарнинг ҳарбий юришлари Гарб ва Шарк ўртасидаги савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Бу жараёнларнинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчиликда, қулоччилик ва тасвирий санъатда, янги алифбо ва ёзувларнинг тарқалишида, тангашунослик ва диний эътиқодларда қўриш мумкин. Юнонлар Қадимги Шарқнинг қўплаб маданий-хўжалик ютуқларини қабул қилдилар ва ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий аҳолининг маданиятига жорий қилдилар.

Искандар Хиндистонда ўз мақсадига эриша олмади, у ўз орзулари билан яққаланиб қолди. Искандарнинг қолибона ҳарбий юришлари, унинг улкан ютуқлари қанчалар юксак бўлмасин, у узок ўлка халқлари тасаввурида улуг подшо бўлиб қолмасин, улар, айниқса унинг ҳарбийлари қалбидаги ватан севгиси олдида ҳеч нарса бўлмай қолди, унинг жангавор аскарлари олдинга бир қадам ҳам босишни хохламай қўйдилар. Улар ортга қайтишни истаб қолдилар. Искандарнинг ҳарбий саркардалари “агар подшо аскарлари жангга рози бўлмаса, уларни хатто қириб ташлаб, Ганг дарёсига янги отаси-худо Амон билан биргаликда юриши мумкин», деб ўйлайдилар.

Бирок, хушёр ва доно Искандар шарқий юришларни тўхтатилишини эълон қилиб, яна бир юксак галабани қўлга киритади, яъни оддий аскарлар меҳрини қозанади. Милоддан аввалги 325 йилда македонлар қемаларда Хинд дарёси орқали океанга етиб борадилар. Ҳарбийлар иккига бўлиниб, Неарх бошчилигидаги қисм қемаларда Форс қўлтигига қараб сузадилар. Искандар ва унинг қисми эса сахролар орқали Эронга йўл оладилар. Милоддан аввалги 324 йилда улар (ҳар икки қисм) сахро ва сув азобини тотишиб, Эроннинг Суза шаҳрида учрашадилар. Шундай қилиб, Македония, Қичик Осиё, Миср,

Сирдарё ва Хиндистонгача чўзилган кенгликларда йирик давлатга асос солинади. Бу давлатнинг пойтахти сифатида Бобил шаҳри эълон қилинади. Аммо унинг асосчиси буюк Искандар ўлимидан сўнг бу давлат қисмларга бўлиниб, парчаланadi. Жаҳон тарихида янги жараёнлар бошланади.

[1] Геродот. “Тарих”, III том, 117.

[2] Пьянков И.В. Хорасмии Гекатея Мимлетского. ВДИ, № 2, 1972, стр. 6.

[3] Сулаймонова Ф. Шарк ва Гарб. Тошкент-1997. 48 бет.

[4] Геродот. “Тарих”, том 1, 201, 204-215.

[5] Ўша асар, том 1,4; том II, 4.

[6] Ўша асар, том II, 109, 177; том IV, 180.

[7] Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаълари. Тошкент-1996.34 бет.

[8] Геродот. «Тарих», том III, 117.

[9] Геродот. “Тарих”, том I, 153.

[10] Ўша асар, том III, 92.

[11] Ўша асар, том III, 93.

[12] Ўша асар, том VII, 64.

[13] Ўша асар, том VII, 66.

[14] Геродот. “Тарих”, том VII, 86.

[15] Ўша асар, том I, 201.

[16] Ўша асар, том 1, 202.

[17] Ўша асар, том 1, 215.

[18] Геродот, “Тарих”, том 1, 216.

[19] Геродот. “Тарих”, том 1, 205-207.

[20] Ўша асар, том 1, 208-209.

[21] Ўша асар, том 1, 210.

[22] Геродот, “Тарих”, том 1, 211.

[23] Ўша асар, том 1, 212.

[24] Ўша асар, том 1, 213.

[25] Ўша асар, том 1, 214.

[26] Ўша асар, том 1, 214.

[27] Арриан. Искандар юришлари. III – китоб, 27, 9.

[28] Ўша асар, III - китоб, 27, 10.

[29] Ўша асар, III – китоб, 30, 6.

[30] Ўша асар, III – китоб, 30, 7.

[31] Ўша асар, III - китоб, 30, 10.

[32] Ўша асар, III – китоб, 30, 11.

[33] Ўша асар, IV – китоб, 5, 2.

[34] Ўша асар, IV – китоб, 5, 3.

[35] Арриан. Искандар юришлари. IV китоб, 5, 4.

[36] Ўша асар, IV китоб, 5, 5.

[37] Ўша асар, IV китоб, 5, 6.

[38] Ўша асар, IV китоб, 5, 8.

[39] Ўша асар, IV китоб, 6, 3.

[40] Ўша асар, IV китоб, 6, 5.

[41] Арриан. Искандар юришлари. IV китоб, 7, 1; 15, 4, 5, 7.

[42] Ўша асар, IV китоб, 16. 1, 2.

[43] Ўша асар, IV китоб, 16, 4.

[44] Ўша асар, IV китоб, 17. 1,2.

[45] Ўша асар, IV китоб, 17, 4.

[46] Арриан. Искандар Юришлари. IV китоб, 17. 5, 6, 7.

[47] Курций Руф. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, IV боб, 26, 27.

[48] Ўша асар, VII китоб, V боб, 1.

[49] Ўша асар, VII китоб, V боб, 13.

[50] Ўша асар, VII китоб, VII боб, 6,17.

[51] Ўша асар, VII китоб, VII боб, 1, 2.

[52] Курций Руф. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, VII боб, 5, 6.

[53] Ўша асар, VII китоб, VII боб, 30, 31, 32, 33.

[54] Ўша асар, VII китоб, VII боб, 34, 35,36.

[55] Ўша асар, VII китоб, VII боб, 39.

[56] Ўша асар, VII китоб, X боб, 1.

[57] Ўша асар, VII китоб, X боб, 4, 5.

[58] Страбон. География. XI китоб, XI боб, 3.

[59] Ўша асар, XI китоб, XI боб, 4.

[60] Ўша асар, XI китоб, XI боб, 5.